

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300 сон қарорида Ёшлар ишлари агентлигига белгиланган бандлар ижроси бўйича**

**ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

Т/р	ПФ т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот
<b>ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ</b>						
1.	51.	Ёшларни чет тилларига ўқитиш тизимини янада кенгайтириш.	<p>1. Чет тилларини оммалаштиришга кўмаклашувчи «Ибрат» лойиҳаларини ривожлантириш, халқаро имтиҳон тизимларида чет тиллари ва бошқа йўналишлар бўйича юқори балл олган ёшларнинг имтиҳон харажатларини қоплаб бериш амалиётини кенгайтириш.</p> <p>2. Чет тилларини ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим муассасаларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш, мавжуд нодавлат таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.</p>	2023 йил ноябрь	Ёшлар ишлари агентлиги <b>А. Саъдуллаев</b>	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>“Ибрат фарзандлари” лойиҳасини доирасида “Ибрат тиллар оромгоҳи” ташкил этилиб, <b>7 та мавсуми ўтказилди</b> ҳамда оромгоҳларга инглиз тилидан камида <b>В2 даражасига эга жами 1 400 нафар ёшлар жалб қилинди.</b></p> <p>Шунингдек, 15 тадан ортиқ хорижий тиллар бўйича “Youtube” платформасига жойлаштирилган бепул видеодарсларни умумий кўришлар сони <b>14 млн.дан ортиди.</b></p> <p>Бундан ташқари “Ibrat academy” мобил иловаси орқали хорижий тилларни бепул ўрганиш истагидаги 220 мингдан ортиқ ёшлар рўйхатдан ўтган ҳолда хорижий тилларни ўрганишни давом эттиришмоқда.</p> <p>“Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш” бўйича давлат хизмати 2021 йилдан бошлаб ишга туширилган бўлиб, ўтган давр мобайнида <b>20415 нафар</b> ёшларга <b>35.6 млрд.сўм</b> миқдоридаги маблағ компенсация қилиб берилди. Мос равишда 2023 йилнинг ўтган даврида <b>9838 нафар</b> ёшларга <b>16.9 млрд.сўм</b> маблағ тўлаб берилди.</p> <p>Мазкур давлат хизматини янада оммалаштириш, мамлакатимизда полиглот ёшлар сонини ошириш мақсадида айрим тил сертификатлар учун компенсация қилиб берилиши белгиланган минимал даражани бир поғонага тушириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги 209-сон қарорига ўзгартириш киритиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар тегишли вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p>

Т/р	ПФ т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот
2.	52.	Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш.	1. «Заковат», «Шахмат», «Мунозара» каби интеллектуал ўйинларга ёшларни кўпроқ жалб этиш, халқаро ва республика фан олимпиадалари (танловлар, турнирлар, бошқалар)га ёшларнинг иштирок этишига кўмаклашиш.	2023 йил декабрь	Ёшлар ишлари агентлиги <b>А. Саъдуллаев</b>	<p><b>Бажарилмоқда.</b> <b>Шахмат:</b> Мамлакатимизда шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уни оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида <b>“UzChess” лойиҳаси</b> йўлга қўйилди. Бугунги кунда Youtube платформасида <b>“UzChess” канали</b> ташкил этилиб, ҳозирда <b>50 та видео дарслар</b> тайёрланди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 5 августдаги ПҚ-347-сон қарори 5-банди иккинчи хатбошиси ижросини таъминлаш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги худудий бошқармаларида шахмат клублари ташкил этилиб, ҳар ҳафта “Рокировка” турнирини ўтказилиш тизими йўлга қўйилди.</p> <p>Ҳар бир худуддаги иштирокчилар сони 100 нафаргача этиб белгиланган. Мусобақада иштирок этиш учун мусобақадан 3 кун олдин @shaxmat22bot телеграм ботидан рўйхатдан ўтиши талаб этилади. Мусобақада барча ёш тоифаси бўйича ҳаваскор ва спорт устаси унвонига эга шахматчилар ҳамда Ўзбекистон, Осиё ва Жаҳон чемпионатлари совриндорлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳар ҳафта Республика бўйича 14 та худуддан жами 1400га яқин иштирокчи тизимли равишда қатнашиб келмоқда. “Рокировка” мусобақасининг умумий соврин миқдори ҳар ҳафта ҳар бир худуд учун <b>5 млн.сўм</b>ни ташкил қилади.</p> <p>Бундан ташқари, март-апрель ойларида “Womens chess championship” халқаро турнири, Р.Қосимжонов номига бағишланган халқаро турнир, Г.Агзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир, шунингдек, “Соҳибқирон” халқаро турнирлари ташкил этилди. Мазкур мусобақаларда 500 дан ортиқ шахматчилар иштирок этди.</p> <p>Соврин жамғармаси 880 млн.сўм бўлган шахмат бўйича “Ёшлар ишлари агентлиги кубоги” мусобақаси ташкил этилди. Мусобақалар беш босқичда ҳамда 4 та йўналишда бўлиб ўтди 1. Ҳаваскор аёллар. 2. Ҳаваскор эркеклар 3. Профессional аёллар 4. Профессional эркеклар.</p> <p>Мусобақа финалида 500 минга яқин 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган иштирокчилар орасидан сараланган энг кучли 56 нафар шахматчилар ғолиблик учун беллашди.</p> <p>Яқуний босқичда биринчи ўринни қўлга киритган 4 нафар иштирокчилар 50 млн.сўмдан, иккинчи ўрин соҳиблари</p>

Т/р	ПФ т/р	Устувор йўналишлар, максадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот
						<p>бўлган 4 нафар иштирокчилар 30 млн.сўмдан, учинчи ўринни олган 4 нафар иштирокчилар 20 млн.сўмдан, шунингдек финал боскичида иштирок этган ҳар бир иштирокчилар эса 10 млн.сўмдан мукофотлари билан тақдирланди.</p> <p><b>Заковат:</b> 151 та турли мавзуларда “Заковат қуиз” ўйинлари ташкил этилди ва бунга <b>10,5 минг нафар ёшлар ва болалар қамраб олинди;</b> “Бешиқдан то қабргача илм изла!” шиори остида 67 та Заковат турнири ташкил этилди ва бунга <b>6 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилди;</b> илм-фан соҳаси вакиллари, Заковат билимдонлари билан 452 та учрашув ва маҳорат дарслари ўтказилди, бунда <b>67,8 мингга яқин талабалар ва ёшлар иштирок этди;</b> 31 та “Кубик-рубик” мусобақаси ташкил этилди, бунда <b>2,2 мингга яқин ёшлар иштирок этди;</b> “Ёшлар кубоги” учун 14 та ҳудудда Заковат турнири ташкил этилди, бунга <b>1,2 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди;</b> шашка ва шахмат бўйича 85 та мусобақа ташкил этилди, буларга 6,8 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди; Иккинчи, Биринчи ва Проф лига турларини ўтказиш орқали 1 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди; бундан ташқари, таълим муассасаларида 800 га яқин турли танлов, мусобақа ва ўйинлар ўтказиш орқали 40 мингга яқин талаба-ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этишга эришилди. Шу билан бирга, спортнинг шахмат тури бўйича “Ёшлар ишлари агентлиги кубоги” саралаш босқичлари 9,5 мингта маҳаллада ташкил этилиб, 500 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди. Амалга оширилган тадбирлар <b>1 355 мартаба ОАВ ва интернет тармоқларида кенг ёритилди.</b></p> <p><b>Мунозара:</b> Талабалар ўртасида ўтказилган “Мунозара” турнирида жами <b>621 та жамоа</b> иштирок этди. Турнирнинг Республика босқичида жами <b>16 та жамоа</b> ўзаро куч синашди. <b>1-ўринни</b> Навоий давлат педагогика институтининг “Эдисон” жамоаси эгаллади ҳамда 30 млн сўм, I даражали Диплом билан тақдирланди.</p>

Т/р	ПФ т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот
			<p>2. Юқори синф ўқувчиларининг ўз худудидаги таникли тадбиркорлар, спортчилар ва бошқа соҳаларда юқори натижаларга эришган шахслар билан учрашувларини мунтазам равишда ташкил этиш.</p>	2023 йил октябрь ойидан бошлаб доимий		<p><b>2-ўринни</b> Урганч давлат университетининг “Хорижий ўзбеклар” жамоаси эгаллади ҳамда 20 млн сўм, II даражали Диплом билан тақдирланди.</p> <p><b>3-ўринни</b> Фарғона давлат университетининг “Тандем 3” жамоаси эгаллади ҳамда 15 млн сўм, III даражали Диплом билан тақдирланди.</p> <p>Қолган 13 та жамоанинг барча аъзолари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.</p> <p><b>Халқаро ва минтақавий фан олимпиадалари:</b></p> <p>Терма жамоа аъзолари бўлган ёшларнинг халқаро ва минтақавий фан олимпиадаларида иштирокини таъминлаш ва уларнинг авиачипта, яшаш ва овқатланиш ҳамда суғурта харажатларини қоплаб бериш мақсадида жорий йилда Агентлик томонидан <b>42 нафар</b> ёшларга <b>822 млн.сўм</b> миқдоридаги маблағ тўлаб берилди.</p> <p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p>Ёшлар ишлари агентлиги, “Заковат” ННТ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудлар, таълим муассасалари ва республика миқёсида талабалар ва ёшлар ўртасида илм-фан соҳаси вакиллари, Заковат билимдонлари в спортчилар билан <b>452 та</b> учрашув ва маҳорат дарслари ўтказилди, бунда <b>67,8 мингга яқин талаба, ўқувчилар ва ёшлар иштирок этди.</b></p> <p>Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот Вазирлар Маҳкамасига киритилди (<i>11.10.2023 й., 1-13-21-2869 сон хат</i>).</p>
3.	53.	Ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш.	<p>1. «Ёшлар баланси»ни такомиллаштириш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган ёшларни мунтазам равишда аниқлаб бориш, уларнинг касбий кўникмалари ва қизиқишлари бўйича маълумотларни шакллантириш.</p> <p>2. «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағининг камида 40 фоизини ёшларни касб-хунарга ўқитишга йўналтириш, «Ёшлар дафтари» тизими орқали ёшларга кўрсатиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турларини кенгайтириш.</p> <p>3. «Ёшлар дафтари» орқали кўрсатиладиган ижтимоий-иқтисодий хизматлар, жумладан ёшларга субсидия, компенсация ва моддий</p>	2023 йил декабрь	<p>Ёшлар ишлари агентлиги <b>А. Саъдуллаев,</b></p> <p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги <b>И. Абдурахманов,</b></p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p><b>Бажарилмоқда.</b></p> <p><b>1.</b> Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, уларнинг истеъдод ва иқтидорларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида ёшларнинг муаммолари тизимли равишда ўрганилиб, маҳаллалар кесимида шакллантирилган <b>“Ёшлар баланси” шакллантирилди.</b></p> <p>“Ёшлар баланси” шакллантирилиши натижасида аниқланган ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлашга мўлжалланган <b>“Ёшлар дафтари” тизими жорий этилди.</b></p> <p>Тизимни рақамлаштириш, ёшларга берилаётган имтиёзларнинг шаффофлигини таъминлаш, жойларда амалга оширилаётган ишларни 3 босқичда мониторинг қилиш имконини берувчи <b>“yoshlardaftari.uz”</b> ягона электрон платформаси ишга туширилиб, “Ёшлар дафтари”ни юритиш тўлиқ электронлаштирилди.</p>

Т/р	ПФ т/р	Устувор йўналишлар, максадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Муддати	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот
			ёрдам бериш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.			<p>2. Бугунги кунга қадар, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг <b>248 636 нафарига</b> ижтимоий ёрдамлар кўрсатилган бўлиб, шундан, <b>47 802 нафари</b> доимий иш ўринларига жойлаштирилган, <b>246 нафари</b> хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясига юборилган, <b>23 239 нафарига</b> деҳқончилик учун экин майдонлари, <b>10 498 нафарига</b> тадбиркорлик фаолияти учун кредит ажратилган, <b>14 549 нафарига</b> меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар учун субсидия берилган, <b>27 115 нафарига</b> даволаниш учун моддий ёрдам кўрсатилган, <b>41 521 нафар</b> талабаларнинг тўлов-контракт харажатлари, <b>3 087 нафарига</b> замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш харажатлари, <b>6 574 нафарига</b> сафарбарлик чакируви резерви харажатлари, <b>3 418 нафар</b> ҳайдовчилик ўқув курслари харажатлари, <b>219 нафарига</b> олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг маҳаллий босқичларида қатнашиш харажатлари, <b>3 757 нафарига</b> психологик хизмат харажатлари, <b>4 177 нафарига</b> илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларида ўқиш харажатлари, <b>2 216 нафар</b> фуқаролик паспорти бадали, <b>55 нафарига</b> тадбиркорлик фаолияти учун нотурур жой ижара харажатлари қоплаб берилган бўлса, <b>49 258 нафарига</b> бошқа йўналишларда ёрдамлар кўрсатилган.</p> <p>3. Ҳукуматнинг 312-сон қарори билан ҳар бир туман (шаҳар) ва ҳудудларда молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида “Ёшлар дафтари” жамғармалари ташкил этилди.</p> <p>Бугунги кунга қадар туман, шаҳар “Ёшлар дафтари” жамғармаларида жами <b>485 млрд 787 млн. сўм</b>, ҳудудий “Ёшлар дафтари” жамғармаларида эса <b>130 млрд 652 млн. сўм</b> миқдорда маблағлар шакллантирилди.</p>